

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Давлат жамғармаси ҳисобига молиявий жиҳатдан кўпроқ қўллаб-қувватлайдилар

Президентнинг 7.08.2018 йилдаги ПФ–5504-сон Фармони билан Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига банк кредитлари бўйича фоиз харажатларини компенсациялаш учун асослар кенгайтирилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси 2017 йилда ташкил этилган эди (17.08.2018 йилдаги ПҚ-3225-сон). Жамғарма кичик тадбиркорлик субъектларига («Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси) банк кредити миқдорининг 50 фоизигача, лекин 2 млрд сўмдан кўп бўлмаган сумма бўйича кафил бўлиш ҳамда кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисmini компенсациялаш шаклида молиявий ёрдам кўрсади.

Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш шартларига ўзгартиришлар киритилди.

Биринчидан, фоиз харажатлари компенсацияланадиган кредитларнинг энг юқори суммаси

4 млрд сўмдан 8 млрд сўмгача оширилди. Бунда қуйидаги шартлар амал қилади:

➤ миллий валютада, қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоиз ставкасида – 5 фоиз пункти миқдорида;

➤ миллий валютада жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобига ажратиладиган имтиёзли кредитлар бўйича, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг тавсиялари асосида ёш тадбиркорлар ташаббус билан чиққан лойиҳаларни амалга оширишга – банкларнинг харажатларини қоплаш учун 3 фоизли ставка миқдорида;

➤ хорижий валютада (эквивалентда) – тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, аммо 3 фоиз пунктдан ортқ бўлмаган миқдорда.

Иккинчидан, тижорат банкларининг кредитлари

бўйича фоиз харажатларини Жамғарма маблағлари ҳисобига компенсациялаш учун қўшимча асослар киритилди:

➤ миллий валютада, қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоиз ставкасида, рўйхатга кўра туманларда, шунингдек «Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга оширилаётган, суммаси 8 млрд сўмдан ошмайдиган лойиҳалар учун – 8 фоиз пункти миқдорида;

➤ хорижий валютада, 2017 йил 5 сентябргача (2.09.2017 йилдаги ПФ–5177-сон Фармон кучга кирган сана) халқаро молия институтларининг кредит линиялари ҳисобига иссиқхоналар қуриш, интенсив боғлар барпо этиш ва совуткичлар қуриш учун хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган валюта кредитлари бўйича – белгиланган фоиз ставкасининг 50% миқдорида.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 8.08.2018 йилдан кучга кирди.

Норматив ҳужжатлар янги принциплар бўйича қабул қилинади

Президентнинг 8.08.2018 йилдаги ПФ–5505-сон Фармони билан Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди.

Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг янги принциплари ишга тушади

Ҳужжат ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмига янги талаблар жорий этади.

1. Давлат органлари томонидан қонунларни, Президентнинг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ташаббусига фақатгина ушбу органларнинг кўтарилаётган масалалар ёки муаммоларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган амалдаги нормалар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳал қилиш ваколати бўлмаган тақдирда йўл қўйилади.

Эслатиб ўтамиз, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ташаббус кўрсатилган ва тақлиф қилинган қонун лойиҳалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг комплекслигини ва ўзаро бир-бирини тўлдиришини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий соҳалардаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур бўлган тақдирда қонун лойиҳаларга доир ишларга кирилади.

Фақат мамлакатимиз Президенти томонидан муҳим йўналишлар ва масалалар бўйича қарорлар қабул қилинади. Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари у билан қилиниши керак (28.07.2017 йилдаги ПҚ-3161-сон қарор билан тасдиқланган Регламентнинг 3-илоvasи).

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармоишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонун билан унинг ваколатига киритилган масалалар бўйича қабул қилинади.

2. Қонунлар, Президент ва Ҳукумат қарорлари улар кучга кирган пайтдан (расман эълон қилинган кундан, башарти уларнинг ўзида бошқа кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса) эътиборан қўлланилади. Уларнинг ижроси юзасидан қўшимча ички идоравий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича мажбурият юклатилмайди.

3. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари (Конституциянинг 83-моддаси) Қонунчилик палатасига қонун лойиҳасини киритишда унга уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини илова

қиладилар. У ерда, қоида тариқасида қонун ва қонунности ҳужжатларини такомиллаштириш, ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш, қонун лойиҳасини кенг татбиқ этиш ва унинг моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш бўйича масалалар акс эттирилади. Чора-тадбирлар режаси унинг ижроси устидан Олий Мажлис палаталари томонидан таъсирчан назорат таъминланганда Сенат томонидан қонуннинг маъқулланиши билан бир вақтда тасдиқланади.

Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бўйича алоҳида чора-тадбирлар ва назорат режаси ҳамда «йўл хариталари», аксинча, қўшимча тарзда тасдиқланмайди. Бунинг ўрнига ҳужжатларнинг ўзида аниқ топшириқлар ва уларни амалга ошириш механизмлари, муддатлар ва масъул ижрочиларни белгилайдиган нормалар албатта назарда тутилади.

4. Янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг (вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бўйруқлари ёки қарорлари) қабул қилиниши ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи шу каби юридик кучга эга ҳужжатни бекор қилиш ёки унга тақлиф этилаётган ўзгартиришларни киритиш билан бирга кечиши керак.

Қонунчилик тўлиқ хатловдан ўтказилади

Фармон билан ташкил этилган махсус комиссияга қонунчилик базасини тўлиқ хатловдан ўтказиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидагилар асосида қайта кўриб чиқиш бўйича тақлифлар киритиш топширилди:

2-бетда

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

7-БЕТ

8-БЕТ

Имтиёзли пенсияга
чиқишнинг ўз шартлари бор

Меҳнат мигрантлари ихтиёрий пенсия
бадалларининг энг кам суммаси пасайди

Шаҳарсозлик бўйича лицензиялар
муддатсиз бўлиши керак

Синов муддати:
у нима учун керак?

Норматив ҳужжатлар янги принциплар бўйича қабул қилинади



➤ аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи (сайлов тизими, архитектура ва қурилиш, таълим, инвестициялар, тадбиркорлик фаолияти ва бошқалар) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш;

➤ амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳолда ижтимоий муносабатларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан амалий ва самарали тартибга солиш;

➤ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар даражасида мустақамлаш талаб этиладиган юқори юридик кучга эга нормаларни белгилаш;

➤ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш;

➤ умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш;

➤ асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмларининг мавжудлиги.

2 ой муддатда ҳар бир идора томонидан қабул қилинадиган идоравий ҳужжатларнинг аниқ рўйхатини белгилаш зарур. Қолган ҳужжатларга нисбатан уларда мавжуд нормаларни юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатларига ўтказиш ва «тартибга солиш гильотиnasi» усулини қўллаш орқали ваколатларни босқичма-босқич камайтириш ва бекор қилиш талаб этилади (юқори турувчи ҳужжатларга зид бўлган қўйи турувчи ҳужжатларни бекор қилиш).

Амалдаги ҳуқуқий ахборот тизимлари модернизация қилинади

Келаси йил бошига Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона

электрон тизимини ишлаб чиқиш ва синов тариқасида ишга тушириш керак, у қуйидаги имкониятларни беради:

➤ НХҲлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишиш жараёнини бошқариш ва назорат қилиш, шу жумладан, масъул идоралар, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан лойиҳаларга электрон кўринишдаги виза қўйишни амалга ошириш;

➤ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш бўйича идоралараро электрон ҳамкорлиқни, шунингдек, уларни ишлаб чиқиш жараёни мониторинг қилинишини таъминлаш;

➤ лойиҳаларни жамоатчилик ва касбий доирада муҳокама қилиш, шу жумладан, фойда, харажат ва қўйиладиган натижалар таҳлилини ҳамда уларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, ижтимоий соҳага, тадбиркорлик фаолиятига, атроф-муҳит ҳолатига таъсирини, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни баҳолаш имконини яратиш;

ҚҲТБТ портали (НХҲнинг жамоатчилик муҳокамаси) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими таркибий қисми сифатида унга интеграция қилинади.

2019 йил 1 февралга қадар муддатда эса илмий эксперт доиралари вакиллари, олий ўқув юрлари талабалари ва илмий даражалар олиш учун талабгорлар томонидан илмий-таҳлилий фаолият асосида ишлаб чиқилган қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш юзасидан таклифларни ўз ичига олган онлайн оммабоп ахборот тизимини яратиш ва уни мунтазам равишда янгилаб бориш топширилди.

Параллель равишда қуйидагилар ҳисобига Қонун

ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси тизими модернизация қилинади:

➤ миллий қонунчиликнинг мавзули маълумотномасини тақомиллаштириш;

➤ ҳаволалар ёки муайян бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатиб берган ҳаволаки нормаларга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни қўшимча ахборот сифатида кўрсатиш;

➤ фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи, шунингдек, чет эл инвесторлари учун муҳим аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг чет тилларига расмий таржимасини таъминлаш.

Босма нашрлар ўтмишда қолади

2019 йил 1 январдан эътиборан давлат органлари ва ташкилотларининг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари тўплами» ва «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами»га обуна бўлиши тўхтатилади.

Уларни эълон қилиш тўхтатилади ва Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига ўтказилади. Алоҳида нусхалари фақат архивларда, ахборот-ресурс марказларида сақлаш учун, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар талабларига кўра нашр этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 9.08.2018 йилдан кучга кирди.

Навоий вилоятида қуёш электр станцияси қурилади

Вазирлар Маҳкамасининг 8.08.2018 йилдаги 633-сон қарори билан Навоий вилоятида қуввати 100 МВт гача бўлган қуёш фотозлектр станцияси қурилиши учун хусусий инвестицияларни жалб этиш тажриба лойиҳасини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» маъқулланди.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ ва Халқаро молия корпорацияси (ХМК) 17.05.2018 йилда республикада давлат-хусусий шериклик асосида инвестициялар ҳажми 1 млрд АҚШ долларигача бўлган фотозлектр энергия ишлаб чиқувчи объектларни лойиҳалаш, молиялаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш учун хусусий инвесторларни излаш ва танлов асосида жалб этишда ХМК томонидан молиявий маслаҳат хизматлари кўрсатилиши юзасидан Битим тузилди.

Битим доирасида Навоий вилоятида қуввати 100 МВт гача бўлган қуёш фотозлектр станцияси қурилиши учун хусусий инвестицияларни жалб этиш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

«Ўзбекэнерго» АЖ битим ва лойиҳани амалга оширувчи ижрочи орган, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси улар амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи этиб белгиланди.

«Йўл харитаси»га мувофиқ март ойида дастлабки квалификация бўйича ҳужжатларни илова қилган ҳолда расмий матбуот, интернет-ресурсларда халқаро тендер эълон қилиш режалаштирилмоқда. 20.07.2019 йилга келиб тендер ўтказиш ва тендер таклифларини очиш кўзланган. 2019 йил август ойида давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳани амалга ошириш тўғрисида ҳукумат қарорини қабул қилиш ва инвестор билан битим имзолаш режалаштирилган.

Кейинги йил сентябрь ойида умумий ҳажми



900 МВт гача бўлган бошқа майдончаларда Битимни амалга ошириш шартлари, ҳажмлари ва муддатлари юзасидан ХМК билан музокаралар ўтказиш кўзланган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 10.08.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, Олег Гаевой, «Норма» МЧЖ экспертлари.

Реклама ва эълонлар

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробол тумани, Таттуммаржон кўч., 4/1.

Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
 - Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-2-бетлар**
- ПЕНСИЯ ИШИ
 - Ҳаммага ўхшайди
 - Ҳаммасини текширишда
 - Июль ойи учун ҳисоблаймиз

- Имтиёзли пенсия шартлари бўйича
- Ноаниқ ёзув
- Туман коэффициентини ҳисобга олинмайди
- Меҳнат мигрантлари учун пенсия стаж
- Ислохот сабабли
- Ўзингизни синаб кўринг **3-6-бетлар**

- ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ
 - Воситачи учун мажбурий бўлган бошланғич ҳужжатлар
 - Кадастр – давлат ҳужжати
 - Лицензияни нима қилиш керак? **7-бет**
- КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Ишга лаёқатлилиқни текшириб кўриш
- Ёнги чиқишдан сақланиш ҳақида йўл-йўриқ бериш – директорнинг иши
- Ишлашга қарши тиббий кўрсатмалар бўлмаса **8-бет**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «НORMA» gazetalarlari birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Ўзбекистондан ташқарида ишлашни мўлжаллаганлар мазкур сонимизда чоп этилган материаллар билан албатта танишиб чиқишлари керак. Чунки унда меҳнат мигрантлари учун пенсия стажи хусусида гап боради. Бу тоифадаги кишилар учун хориждаги иш стажини сақлаб қолиш ва ҳисобини юритиш имконияти туғилди. Баъзи қоидаларга риоя этиш кифоя. Доимий ўқувчиларимиз анъанавий викторина саволлариға жавоб бериб, ўзларининг пенсия қонунчилигига доир билимларини текшириб кўришлари ҳам мумкин.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг gazeta@norma.uz ва ntv@norma.uz электрон манзиллариға йўлланг.

Ижтимоий соҳа

Ҳаммага ўхшамайди

Оиладаги ногирон бола нафақат даволанишга, атрофдагиларнинг ғамхўрлиги ва меҳрига, балки ижтимоий ҳимояга ҳам муҳтож бўлади. Таҳририятга ногирон бола учун нафақа олиш бўйича саволлар кўп келмайди. Шунга қарамай, биз бундай болаларнинг ота-оналари учун тушунтириш тайёрладик, бу уларга моддий ёрдам – нафақани олишнинг айрим жиҳатларини билиб олишларида, шунингдек фарзандлари ҳуқуқи борасида ҳам қўл келади.

– Агар фарзанд болаликдан ногирон бўлса, неча ёшидан нафақа олиш учун мурожаат қилса бўлади?

– Нафақа олиш учун мурожаат қилиш муддати боланинг ёши билан чекланмайди. Бирор-бир муддат билан чеклашсиз, исталган вақтда унинг тайинланиши учун мурожаат қилишлари мумкин (*Низомнинг 3-банди, ВМнинг 7.04.2011 йилдаги 107-сон қарорига 1-илова*).

Бунда нафақа мурожаат қилинган кундан тайинланади. Бунинг учун барча зарур ҳужжатлар бўлиши керак.

16 ёшга тўлмаган болаликдан ногиронларга тиббий хулоса мавжуд бўлган тақдирда, нафақа тайинланади.

16 ёшдан катта ногиронларга I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган тақдирда нафақа тайинланади.

Маълумот учун!

Пенсия тайинлангандан **КЕЙИН** умумий иш стажы ва пенсионер ишлаш даврида олган иш ҳақи оширилиши муносабати билан **ПЕНСИЯ МИҚДОРИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАНМАЙДИ**.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ахборот кўмагида тайёрланди.

БУГУНГИ СОНДА:

ҲАММАСИНИ ТЕКШИРИШАДИ

Асосланганлиги
ва ишончлилигини
belgilaydilarlar

3

ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ШАРТЛАРИ БЎЙИЧА

Бир йил барвақт –
стаж эса кам

4

МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ УЧУН ПЕНСИЯ СТАЖИ

Бадаллар ва
лицензия хусусида

5

ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Мия учун машқ

8

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

– Бунда қандай ҳужжатлар керак бўлади ва қаерга топширилади?

– Болаликдан ногироннинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси, васийси ёки ҳомийси нафақа тайинланиши учун мурожаат қилган тақдирда, яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси;
- болаликдан ногироннинг яшаш жойини тасдиқлайдиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи маълумотномаси;
- тиббий хулоса;
- ариза берган ота-она, фарзандликка олувчи, васий ёки ҳомийнинг паспорти нусхаси.

Агар болаликдан ногирон 16 ёшдан катта бўлса, қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- 16 ёшдан катта болаликдан ногироннинг аризаси;
- унинг паспорт нусхаси;
- ариза берган ота-она, фарзандликка олувчи, васий ёки ҳомийнинг паспорти нусхаси (муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилганда).

Пенсия жамғармаси бўлими аризага ТМЭКнинг тиббий текшириш далолатномасидан кўчирмани илова қилади.

Фарзандликка олувчи, васий ёки ҳомий туман (шаҳар) ҳокимининг фарзандликка олиш, васийлик ёки ҳомийликни белгилаш тўғрисидаги қарори нусхасини ҳам тақдим этишлари кераклигини таъкидлаб ўтиш лозим (Низомнинг 6-банди).

– Болаликдан ногирон бола ота-онасининг доимий пропискиси йўқлиги нафақа олиш ҳуқуқига таъсир кўрсатадими?

– Йўқ, кўрсатмайди. Нафақа олувчининг доимий пропискиси бўлмаса ва у фақат вақтинча прописка қилинган бўлса, нафақа вақтинчалик прописканинг амал қиладиган муддати мобайнида тўланади. Ўзбекистонда доимий яшайдиган хорижий фуқарога ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нафақа яшаш ҳужжати амал қиладиган муддат давомида тўланади (Низомнинг 13-банди).

– Шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, ота-оналар фарзандларининг руҳиятини чўқтирмаслик учун стационар давооланишни (масалан, руҳий касалликлар шифохонасида) рад этадилар, бу эса тиббий хулоса олишга тўсиқ бўлади. Бироқ улар нафақа олиш учун мурожаат қиладилар. Қайси ҳолатларда нафақа тайинланиши рад этилиши мумкин?

Маълумот учун!

Пенсия олиш ҳуқуқи юзага келгандан кейин исталган вақтда ҳеч қандай муддат билан **ЧЕКЛАНМАЙ, ПЕНСИЯ** тайинлашни сўраб **МУРОЖААТ ҚИЛИШ** мумкин.



– Агар ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилган ва барча зарур талабларга риоя қилинган бўлса, Пенсия жамғармасининг рад жавобини бериш учун сабаб қолмайди. Тиббий хулосани расмийлаштириш талабларига келсак, бу айнан нафақа тайинлаш учун асос бўладиган ҳужжатдир. Уни расмийлаштиришда, аввало, ҳар бир бемор боланинг ҳолати ва манфаатлари ҳисобга олинишини истардик.

– Болаликдан ногирон бола ижтимоий тўловларни, масалан, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олаётган бўлса, унга ногиронлик бўйича нафақа тўланадими? Ёки у танловига кўра фақат битта ёрдам турини оладими?

– 16 ёшга тўлмаган болаликдан ногиронга бошқа пенсия ва нафақа, шу жумладан боқувчисини йўқотганлик нафақасини олаётганлигидан қатъи назар, нафақа тўланади.

Бироқ 16 ёшдан катта болаликдан ногиронга унинг танлаши бўйича нафақанинг бир тури тайинланади.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ давлат пенсиясининг турларидан бири тайинланган тақдирда, нафақа тўланиши тўхтатилади, охириги нафақа тўланган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб пенсия тўланади.

Шу билан бир вақтда, 16 ёшдан катта болаликдан ногирон даромадлар (стипендиялар, алиментлар ва шу кабилар) олиб, ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, унга бу ҳолатида ҳам нафақа тўланади (Низомнинг 18-банди).

Зафаржон Хўжаев,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Экспертдан сўранг

Ҳаммасини текширишади

? Корхонамиз ходими пенсияга чиқариш учун ҳужжатларни расмийлаштиряпти. 2005–2018 йиллар учун иш ҳақи ва ижтимоий сугурта бадаллари тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилган. Ходим корхонамизга ишга келгунига қадар фермер ҳўжалигида ишлаган, маълумотнома мазкур ҳўжалик томонидан берилган. Бироқ фермер ҳўжалиги 1995–2005 йиллар учун иш ҳақи ва ижтимоий сугурта бадаллари тўғрисидаги ҳисоботларни солиқ ва бошқа органларга топширмаган. Фермер ҳўжалиги томонидан ходимга берилган иш ҳақи ва сугурта бадаллари тўғрисидаги маълумотномани ҳақиқий эмас деб ҳисоблашлари мумкинми? Ходим масалаларини ҳал этиши учун қаерга мурожаат қилиши керак?

Рўзиева, КБ инспектори.

– Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сугурта бадалларини тўловчилар ҳисобланади. Мазкур тўловларни ҳисоблаш, ушлаб қолиш мажбурияти ҳамда уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади (Солиқ кодексининг 305-моддаси).

Юридик шахслар, шу жумладан фермер ҳўжаликлари солиқ ҳисоботини белгиланган тартибда ва кўрсатилган муддатларда тақдим этишлари лозим (Солиқ кодексининг 45-моддаси). Агар фермер ҳўжалиги ҳўжалик фаолиятини юритган бўлса, у ҳолда барча ҳисоботлар топширилган бўлиши керак. Бундан ташқари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганлиги далилини фермер ҳўжалигининг ҳисоб-китоб счёти бўйича банк айланмалари асосида аниқласа бўлади.

Фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сугурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган бўлса иш стажига қўшилади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддаси «а» банди).

Сугурта бадаллари тўланганлиги далили Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова) 12 ва 13-иловаларга мувофиқ шакл бўйича иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномаларда кўрсатилади. Бу маълумотлар фермер ҳўжалиги ёки архив муассасаларида

белгиланган тартибда сақланадиган иш ҳақи тўғрисидаги дафтарларга асосан шакллантирилади.

Жиддий асосларга эга бўлмай туриб, фермер ҳўжалиги томонидан берилган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани ҳақиқий эмас деб эътироф этиб бўлмайди. Хусусан, ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг асосланганлиги ва ишончилиги учун шубҳа пайдо бўлган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими ҳужжатларни текшириш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Текшириш тасдиқловчи ҳужжатларни берган ташкилотда ёки архивда амалга оширилади. Текшириш натижалари бўйича 2 нусхада далолатнома тузилади, у текширувчининг ва ташкилот ёки архив мансабдор шахсининг имзоси, шунингдек ташкилот ёки архивнинг муҳри билан тасдиқланади. Далолатноманинг бир нусхаси ташкилот ёки архивда, иккинчи нусхаси Пенсия жамғармаси бўлимига қолади. Далолатномада тасдиқловчи ҳужжатларнинг ким томонидан берилганлиги ва текшириш вақтида ҳужжатларнинг жойлашган жойи тўғрисидаги маълумот мажбурий тартибда кўрсатилади (Низомнинг 11-банди).

Пенсия жамғармаси бўлими тақдим этилган ҳужжатларни текшириш тўғрисида қарор чиқарган ҳолларда, текшириш тамом бўлиш муддатидан қатъи назар, пенсия тайинлаш учун дастлаб мурожаат қилинган сана пенсия тайинлаш учун мурожаат қилинган сана ҳисобланади.

Иш стажы тўғрисидаги тақдим этилган ҳужжатларнинг асосланганлиги ва ишончилигини аниқлаш мақсадида Пенсия жамғармаси бўлими (Низомнинг 57-банди):

- иш стажини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг мазмунини ва зарур тарзда расмийлаштирилганлигини баҳолайди ҳамда зарурат бўлганда улар берилишининг асосланганлигини текшириш тўғрисида қарор қабул қилади;
- зарур ҳолларда меҳнат фаолиятининг айрим даврларини иш стажы даврига ҳисобга олиш ёки ҳисобдан чиқариб ташлаш тўғрисида қарор чиқаради.

Пенсия жамғармаси бўлими томонидан чиқарилган иш стажини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги қарордан норози бўлган тақдирда, ушбу масала суд томонидан ҳал этилади (Низомнинг 82-банди).



Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Июль ойи учун ҳисоблаймиз



Июль ойи учун пенсия 502 940,82 сўмни ташкил қилади. 15 июлдан бошлаб ЭКИХ миқдори 7%га оширилди ва пенсия 538 146,68 сўм бўлди.

Июль ойи учун пенсия қандай ҳисобланади?

Маркова, Тошкент ш.

– Пенсия 2018 йил 15 июлдан, яъни ойнинг ўртасидан оширилганлигини ҳисобга олган ҳолда, пенсиянинг июлда тўланадиган миқдори ва оширилган миқдори бир-биридан фарқ қилади.

Оширилган пенсия суммаси 538 146,68 сўмни (502 940,82 x 1,07) ташкил қилади. Июлда тўланадиган пенсия суммаси 520 543,75 сўмга (502 940,82 x 50 % + 538 146,68 x 50 %) тенг.

Имтиёзли пенсия шартлари бўйича



Меҳнат дафтарчам 1981 йилда очилган бўлиб, 2012 йилнинг сентябридан пропискам туфайли ишлаган бўлсам, 54 ёшдан пенсияга чиқишим учун стажим қандай ҳисобланади? Институтни тамомлаганман – бунинг учун 5 йил, иккита болам учун – 6 йил чиқариб ташланади. Стаждан яна нималар чегирилиши мумкин? Навбатдаги меҳнат таътиллари ҳам чегириладими?

Римма Мавкаева.

– 54 ёшдан пенсияга чиқиш имтиёзли пенсия ҳисобланади, бунда маълум шартлар бажарилиши талаб этилади.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги Қонуннинг 37-моддаси «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида 20 йиллик иш стажига эга бўлган аёллар 54 ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар (Қонуннинг 12-1-моддаси).

Талаб этиладиган 20 йиллик иш стажи қуйидаги даврлардан таркиб топади:

а) фаолият тури, мулк ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сўғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сўғурта бадаллари тўлаган бўлса;

б) ҳарбий хизмат ва партизанин оtryадлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан яқка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи, деҳқон (фермер) ҳўжалигидаги фаолият – бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сўғурта бадаллари тўланган тақдирда.

Ҳар йиллик меҳнат таътиллари келтирилган рўйхатнинг «а» бандига мувофиқ киритилади. Бироқ ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик даврлари, шунингдек иш ҳақи сақланмаган таътиллار рўйхатга киритилмайди.

54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи талаб этиладиган 20 йиллик иш стажига қуйидаги даврлар кирмайди:

д) I гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт;

е) олий таълим муассасаларида, аспирантурада, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтида, катта илмий ходим-изланувчилар институтида, таянч докторантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш;

ж) бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришlash таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил;

з) офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршчиларнинг, миҳманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

и) Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг, шунингдек ЎзР Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматларга ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахсларнинг хотини (эри) чет элда бўлган, лекин 10 йилдан ошмаган давр.

Бироқ, 54 ёшдан пенсияга чиқаётган аёлнинг Қонун 37-моддасининг «а»-«г» бандларида назарда тутилган иш стажи камида 20 йилни ташкил этган тақдирда «д»-«и» бандларида кўрсатилган иш даврлари унинг умумий стажига киритилади. Яъни, аввал 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган, талаб этилаётган иш стажига ҳисобланади. Агар у 20 йилга тенг бўлса, унга «д»-«и» бандларида кўрсатилган даврлар қўшилади.

Зафаржон Хўжаев, «Norma» МЧЖ эксперти.

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Бизга мактуб йўллабсиз

Ноаниқ ёзув



Мен яқинда пенсияга чиқаман. Кадрлар бўлими инспектори меҳнат дафтарчамдаги ёзувлардан бирини аниқ-тиниқ ёзмаган – бироз сиёҳ چاپланган.

Иш стажини ҳисоблаётганда уни ҳисобга олмасликлари мумкинми?

Римма А., Тошкент ш.

– Иш стажини тасдиқлаш учун Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этиладиган ҳужжатлар мансабдор шахс томонидан имзоланиши ва ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланиши керак.

Меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар уни тўлдириш ва юришти пайтида амалда бўлган меҳнат дафтарчаларини юриштишни тартибга соладиган қонун ҳужжатлари талаб-ларига мувофиқ расмийлаштирилиши керак.

Меҳнат дафтарчалари ва бошқа ҳужжатлардаги ёзувлар белгиланган қоидалардан четга чиққан ҳол-да бажарилган бўлса, уларни иш стажининг исботи сифатида қабул қилиш мумкинлиги тўғрисидаги маса-лани Пенсия жамғармаси бўлими ҳал этади (ВМнинг

8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова-нинг 76-банди).

Бундан ташқари, меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлма-ганда, шунингдек меҳнат дафтарчасида зарур ёзувлар бўлмаган ёки меҳнат фаолияти даврлари тўғрисида нотўғри ва ноаниқ ёзувлар мавжуд бўлган ҳолларда, иш стажини тасдиқлаш учун маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар, шахсий ҳисобварақлари ва иш ҳақи бериш учун ведомостлар, меҳнат шартномалари (контрактлар), архив маълумотномалари ва меҳнат фаолияти давр-лари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар қабул қилинади (252-сон Низомнинг 59-банди 3-хатбоши).

Туман коэффиценти ҳисобга олинмайди



Яқинда амаким бувимни дафн этди. Пенсия жамғармаси бўлимида дафн этишга нафақани у ва бувим-нинг иш ҳақига қўшиб берилган туман коэффиценти ҳисобга олмасдан тўлашларини айтишди. Шу тўғрими?

Хайрулло К.

– Ҳа, тўғри. Иш ҳақига туман коэффиценти белги-ланган туманларда ва жойларда нафақа миқдори туман коэффицентлари ҳисобга олинмасдан белгиланади

(ВМнинг 14.06.2011 йилдаги 174-сон қарорига 1-илова-нинг 13-банди).

Зафаржон Хўжаев, «Норма» МЧЖ эксперти.

Қонунчиликдаги янгиликлар

Меҳнат мигрантлари учун пенсия стаж

Хорижга ишлаш учун лицензия бўйича юборилган тақдирда меҳнат мигрантлари йилига 4,5 ЭКИҲ бадал тўласа пенсия стаж ҳисобга олинади. Бу меъёр Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида (5.07.2018 йилдаги ПҚ-3839-сон) қайд этилган.

Ходимларни хорижга жўнатиш учун лицензиялар

2018 йил 1 сентябрдан Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган юридик шахсларга мамлакатимиз фуқароларини хорижий давлатларда ишга жойлаштиришга рухсат берилади. Бу-

нинг учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан лицензия олиш талаб этилади.

Лицензия талаблари ва шартларидан бири – Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўлаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

химоя қилиш жамғармасига 50 минг АҚШ долларини захира сифатида киритиш ҳисобланади. Мазкур маблағлар ишлатиб юборилса (масалан, хориждаги меҳнат мигрантларига ёрдам бериш учун), ташкилотга заҳирани талаб этилган даражагача тўлдирish мажбурияти юклатилади. Лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда маблағлар қайтариб берилади.

Шу ўринда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги мазкур соҳада узоқ вақт «монопол» ўрин эгаллаб келганини эслаб ўтиш ўринли. Ушбу йўналишда рекрутинг агентликлари фаолият юритмади.

Мустақил равишда пул топишга чиқиш соддалаштирилади

2018 йил 1 августдан эса хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар пенсия ҳисобланаётганда хориждаги иш стажлари ҳисобга олиниши учун Пенсия жамғармасига ихтиёрий бадалларни камроқ тўлашлари мумкин бўлди.

Эслатиб ўтамиз, илгари (1 августга қадар) ихтиёрий бадалларнинг энг кам миқдори ойига 1 ЭКИХ (*материал эълон қилинган пайтда – 184 300 сўм*) ёки йилига 12 ЭКИХни (*материал эълон қилинган пайтда – 2 211 600 сўм*) ташкил этган (*ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарори*). Шу тариқа, энг кам бадал суммаси тахминан 3 баравар камайди ва йилига 4,5 ЭКИХ бўлди.

Бундан ташқари, хусусий меҳнат шартномалари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижага кетаётган фуқароларга Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ихтиёрий рўйхатдан ўтиш таомилини жорий этган ҳолда, хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби бекор қилинди. Гап шундаки, илгари Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ёки фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий Бюролардан тилга олинган рухсатномани олган шахсларга, шунингдек Ўзбекистоннинг хориждаги ташкилотларида ишлаган фуқароларга ихтиёрий бадалларни тўлашга рухсат берилган (*Низомнинг 2-банди 2-хатбоши*). Шу сабабли аксарият ташқи меҳнат мигрантлари пенсия стажига билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш имкониятидан маҳрум эдилар.

Хорижда ўз ҳолимизга ташлаб қўймайдилар

Ва, ниҳоят, Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади.

Унинг маблағлари, хусусан, қуйидагиларга сарфланади:



республика ҳудудларида хорижа меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларни кетишдан олдинги мослаштириш, касбий тайёрлаш, хорижий тилларга ўқитиш ва билим даражаси юзасидан тест синовлари ўтказиш, фуқароларнинг касбий малакасини тасдиқлаш марказларини ташкил этиш ҳамда жиҳозлаш;

хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида зўравонлик, мажбурий меҳнат ва камситишдан жабрланган, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, оғир молиявий аҳволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, тирикчилик учун маблағсиз қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, уларга моддий ёрдам кўрсатиш;

меҳнат миграциясида бўлган даврда жароҳатланиш, бахтсиз ҳодиса сабабли тиббий хизмат кўрсатиш талаб этилган фуқароларга, кўрсатилган тиббий хизматлар ҳақини меҳнат мигранти ҳисобидан тўлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тўланган маблағлар ушбу фуқаролар томонидан кейинчалик қоплаб берилиши шарти билан, тиббий хизмат кўрсатиш;

ишга жойлашган давлатнинг тегишли муассасалари томонидан тасдиқланган ҳолларда республикадан ташқарида меҳнат миграциясида бўлган даврда вафот этган фуқароларнинг жасадларини, шунингдек, хориждаги меҳнат фаолияти вақтида меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келган шикастланиш ёки жиддий жароҳатланган фуқароларни олиб келиш ва бошқалар.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ходимларига хорижда самарали фаолият юритишлари учун дипломатик паспортлар тақдим этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 6.07.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Хориж тажрибасидан

Ислохот сабабли

РФ Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги пенсия ёшини ошириш оқибатларини юмшатиш бўйича режа лойиҳасини тайёрлади. Хусусан, режа катта ёшли ходимларни ишдан бўшатганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутди, деб ёзади «Ведомости».

Меҳнат вазирлиги пенсия ёшига яқинлашган киши иш берувчининг ташаббусига ёки тарафларнинг келишувига кўра ишдан бўшатилади, бизнесга қонун йўли билан бандлик хизматларини хабардор қилиш мажбуриятини юклашни таклиф қилмоқда. Бандлик хизматлари эса ўз навбатида бу ҳақда Давлат меҳнат инспекциясига хабар бериб, бундай кишиларга иш излаш ва ишга жойлашишда ёрдам берадилар.

Вазирлик давлат меҳнат инспекцияларида бевосита мулоқот линиясини очишни таклиф этмоқда, пенсия ёшига яқинлашган кишилар ҳуқуқлари поймол бўлганда унга кўнгирок қила оладилар.

Пенсияга чиқишига оз қолганда ишдан бўшатишларга оширилган ишсизлик нафақасини тўлаш таклиф қилинмоқда, акс ҳолда мамлакатда қашшоқлар сони кескин ошиб кетади. Экспертларнинг баҳолашича, пенсия ёши оширилгандан кейин уларнинг сони йилига 100 минг кишига ортиб боради. Ислохот сабабли ижтимоий ҳимояга қўшимча харажатлар талаб этилиши мумкин.

Ислохот сабабли 2019 йилда қўшимча 1,1 млн киши меҳнат бозорига қолади, бироқ уларнинг атиги 800 минг нафари ишини сақлаб қолади, дея прогноз бериб Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси проректори Александр Сафонов. Райффайзенбанкнинг ҳисоб-китобларига кўра, ислохотнинг дастлабки 3 йилида ҳар йили қўшимча 660 минг ходимдан фақат 460 минг киши иш топади. Альфа-банк ҳавола қилаётган сўров натижаларига кўра иш берувчиларнинг атиги 7%и катта ёшли ходимларни ёллашга тайёр.

Эслатиб ўтамиз, Россия ҳукумати пенсия ислохотини маъқуллади, сўнг июнь ойининг ўртасида, футбол бўйича Жаҳон чемпионати бошланишидан аввал пенсия ёшини аста-секин ошириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Давлат думасига киритди. Эркаклар учун пенсия ёшини, ўтиш даврини 10 йилга чўзган ҳолда, 65 ёшгача ошириш ва уни 2028 йилга келиб яқунлаш таклиф этилмоқда. Аёллар учун пенсия ёши 63 ёшгача оширилади, ўтиш даври эса 15 йилни ташкил этади ва 2034 йилга келиб яқунланади.



Айни пайтда пенсияга чиқиш ёши эркаклар учун 60 ёшни, аёллар учун 55 ёшни ташкил этади.

Давлат думаси пенсия ёшини ошириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди. Ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлиги бузилиши хавфига қарамай, ҳукумат жиддий ёнбосишни истамаяпти. Бунинг ўрнига фақат янгиликлар ҳақидаги ахборот узатилиши устидан назоратни кучайтириш таклиф этилмоқда. Цензура самарадорлигига таянган Кремлдагилар назорат остидаги экспертлар ва ОАВга «пенсия ислохоти» сўз бирикмасини қўллашни амалда тақиқлаб, уни «пенсия манёври» ёки шунга ўхшаш ибора билан алмаштиришни таклиф этмоқдалар.

Шунингдек амалдорлар бўлажак ислохот биринчи бўлиб акс этадиганлар унга нисбатан норозилик билдирмасликлари учун уларга ёнбосишни кўзламоқдалар.

Давлат думасида пенсия ислохоти бўйича асосий ўқиш кузда ўтказилади. Депутатлар ҳужжати ҳозирги ҳолатида қабул қилсалар, янгиликлар 2019 йил январдан жорий этила бошлайди.

Манба: newsru.com.

Маълумот учун!

Пенсия жамғармаси **БЎЛИМИ** пенсия тайинлаш учун ҳужжатларни расмийлаштириш ва тақдим этиш масалалари юзасидан тушунтиришлар ва маълумотлар бериши **ШАРТ**.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Сўнгсўз ўрнида

Ўзингизни синаб кўринг

Газетамизни қанчалик диққат билан ўқишингизни текшириб кўриш пайти келди. Бирон маълумотни эслай олмасангиз – зарари йўқ. «Норма маслаҳатчи»ни очиб, доим ўз билимингизни оширишингиз мумкин. Омад ёр бўлсин!

1. Ўриндошлик бўйича иш ишловчи пенсионерга тўланадиган 50 фоизлик пенсия миқдорига таъсир кўрсатадими?

- а Йўқ, таъсир кўрсатмайди, сабаби ўзингизга тегишли пенсиянинг 50%ини олаясиз. Пенсия бу суммадан кам бўлмайди.
- б Ишловчи пенсионер ўриндошлик асосида ишлашга ҳақли эмас.
- в Ҳа, таъсир кўрсатади. Бунда 50 фоизлик пенсия миқдори камаяди.

2. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар ставкаси қандай?

- а Бадаллар миқдори ходимнинг хоҳишига кўра белгиланади, бироқ 1%дан кам эмас.
- б 2018 йил 1 январдан ШЖБПҲга ўтказиладиган ойлик мажбурий бадаллар миқдори – 2%.
- в ШЖБПҲга 3% ўтказилади.

3. Ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари ишга жойлашиш имкони бўлмаган жойда эрлари билан яшаган даврлар стажга қўшиб ҳисобланадими?

- а Бундай даврлар иш стажига қўшиб ҳисобланади, бироқ 10 йилдан ортиқ эмас. Бунда камида 7 йиллик умумий стажга эга бўлиш зарур.
- б Йўқ, қўшиб ҳисобланмайди.
- в Башарти ҳарбий хизматчининг хотинида камида 5 йиллик умумий стаж мавжуд бўлса, стажга қўшиб ҳисобланади.

Натижалар

Ҳар битта тўғри жавоб учун – 1 балл.

Сизнинг натижангиз:

6 балл – аъло натижа. Пенсия таъминоти масалаларидан жуда яхши хабарингиз бор.

3–5 балл – шубҳасиз, кўп маълумотга эгасиз. Бироқ тўлиқ ишонч билан жавоб беришингиз учун билимингиз биров камлик қилапти. «Норма маслаҳатчи»ни ўқиб бориң, ана шунда ҳуқуқ соҳасидаги янгиликлардан доим бохабар бўласиз.

1-2 балл ва ундан кам – афсуски, билимингиз жуда оз. Ўзингизда бўлсин, билим – куч, демак. Айниқса пенсия ёшида бу жуда кўп келади. «Норма маслаҳатчи»ни ўқиб боришга ҳаракат қилиң, бу самара беришига қафолат берамиз.

Диққат! Ушбу саволларга батафсил жавоблар «Норма маслаҳатчи» газетасининг 30.01.2018 йилдаги 5-сони, 20.02.2018 йилдаги 8-сони, 13.03.2018 йилдаги 11-сони, 15.05.2018 йилдаги 20-сони, 12.06.2018 йилдаги 24-сонида чоп этилган.

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.



4. Пенсия ёшига етган кундан бошлаб қанча муддатда пенсия сўраб муурожаат қилиш зарур?

- а Унга бўлган ҳуқуқ юзага келишидан 30 кун олдин.
- б Пенсия ёшига етган кундан бошлаб 3 ойдан кечиктирмай.
- в 60 кундан кечиктирмай.

5. Қанча вақт мобайнида ишончнома бўйича пенсия олиш мумкин?

- а Пенсия ишончнома бўйича тўланмайди.
- б Пенсия қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома бўйича тўланиши мумкин, бироқ 12 ойдан ортиқ муддат учун эмас.
- в Ишончнома бўйича пенсияни фақат I ва II гуруҳ ногиронларининг ишончли вакиллари олишлари мумкин.

6. Махсус стаж нима ўзи?

- а Мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охириги 10 йилги иш.
- б Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатлари бўйича белгиланадиган иш стаж.
- в Қуролли Кучларда хизмат қилиш даври.

1a, 2б, 3в, 4а, 5б, 6б.
Ўйинга жавоблар:

Юридик шахс воситачилик шартномаси асосида иш юритади. У Тартибда (3-илова, АВ томонидан 22.03.2013 йилда 2439-сон билан рўйхатдан ўтказилган) назарда тутилган ҳужжатларни (ҳисобот, далолатнома, ҳисобварақ-фактура) мажбурий равишда расмийлаштирган ҳолда комитентнинг товарларини ўз номидан сотишга ҳақли.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларини бажармаганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?

Бухгалтер.

Воситачи учун мажбурий бўлган бошланғич ҳужжатлар

– Воситачи (ишончли вакил) комитентнинг (топширик берувчининг) манфаатида воситачилик хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ шартнома асосида амалга ошириладиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ва (ёки) сотиб олиш операциялари бўйича унга ҳисобот тақдим этади. У бирламчи ҳужжатлар учун қонун ҳужжатлари билан белгиланган воситачи (ишончли вакил) ва комитентнинг (топширик берувчининг) барча реквизитларига эга бўлиши керак (Тартибнинг 23-банди, 3-илова, АВ томонидан 22.03.2013 йилда 2439-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Комитентнинг товарларини (ишларини, хизматларини) воситачилик шартномаси бўйича реализация қилишда воситачи ўзининг номидан 2 нусхада ҳисобварақ-фактура тақдим этади. Бунда «Ўтказиб берувчи» сатрида қўшимча равишда «Воситачи» кўрсатилади. Ҳисобварақ-фактурада воситачи ва сотиб олувчининг реквизитларидан ташқари комитентнинг реквизитлари ҳам кўрсатилиши мумкин (Тартибнинг 26-банди).

Операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар **ҳўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун асос бўлади** («Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси).

Бошланғич ҳисоб ҳужжатини (ҳисобот, далолатнома, ҳисобварақ-фактура) расмийлаштирмаслик ёки лозим даражада расмийлаштирмасликка бухгалтерия ҳисобини юретиш тартибини бузиш деб қаралади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юретиш тартибини бузиш мансабдор шахсларга ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, мансабдор шахсларга ЭКИХнинг 10 бараваридан 20 бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади (МЖТКнинг 175-1-моддаси).

Кадастр – давлат ҳужжати

Кўп қаватли уйлар лойиҳаларини тайёрлаш хизматларини кўрсатадиган хусусий корхона кўп квартиралли уйлардаги айрим квартиралар учун кадастр ҳужжатларини тайёрлаш фаолияти билан шугулланмоқчи. Бундай фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома олиш тартиби қандай?

М.Саидахмедова.

– Кўрсатилган фаолиятни фақат давлат органи амалга оширишга ваколатли. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари кўчмас мулк объектларининг кадастр йиғмажилдларини шакллантиришга ҳақли эмас.

Мулк эгаси бўлган ёхуд бинолар ва иншоотларга ашёвий ҳуқуқларга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ёки улар томонидан ваколат берилган шахслар бино ёки иншоотга бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар пайдо бўлгандан, ўзгаргандан ва тўхтагандан ёхуд ҳуқуқий ҳолати ўзгаргандан кейин бир ой муддатда бино ва иншоотга кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалига, ҳуқуқни белгилувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда **буюртманом**а беришлари шарт (Низомнинг

8-банди, ВМнинг 2.06.1997 йилдаги 278-сон қарорига 1-илова).

Кадастр йиғмажилди кўчмас мулк объектнинг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва қиймати, шунингдек унинг ҳолатидаги жорий ўзгаришлар ҳақидаги материаллар ва маълумотларни ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларни жамлаш йўли билан филиал томонидан тайёрланади (АВ томонидан 3.11.2015 йилда 2725-сон билан рўйхатдан ўтказилган Қўридаларнинг 3-банди).

Шу тариқа, хусусий ташкилотларга кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳуқуқи берилмаган.

Лицензияни нима қилиш керак?

АЖ қурилиш-монтаж ишларини бажаради (уларни бажаришга бир неча турдаги лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатлар бор).

Қурилиш вазирлигига илгари берилган лицензияларни 2018 йил охиригача қайта расмийлаштириш вазифаси юклатилган.

1. Маевҳуд барча лицензиялар 2018 йил охиригача қайта расмийлаштирилиши керакми ёки фақат 2.04.2018 йилдаги ПФ-5392-сон Фармонга 1-иловада назарда тутилганларими?

2. Илгари олинган рухсат бериш тусидаги ҳужжатларни қайта расмийлаштириш лозимми?

Мурод В.

1 2018 йил 1 июндан бошлаб фаолиятнинг айрим турлари билан шугулланиш ҳуқуқини берадиган барча лицензиялар амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади. Тиббиёт ва фармацевтика фаолияти, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият, кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари ва телерадиоэшиштиришларни тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотишни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиялар бундан мустасно (11.04.2018 йилдаги ПФ-5409-сон Фармоннинг 3-банди).

ПФ-5409-сон Фармон талабларидан келиб чиқилса, шаҳарсозлик фаолияти билан боғлиқ лицензиялар муддатсиз бўлиши керак.

Ҳақиқатан ҳам, Президентнинг 2.04.2018 йилдаги ПФ-5392-сон Фармони 8-бандига мувофиқ, Қурилиш вазирлигига 2018 йилнинг охирига қадар 1-иловада назарда тутилган илгари берилган лицензияларни лицензиялашнинг янги механизмини ҳисобга олган ҳолда қайта расмийлаштириш вазифаси топширил-

ган эди. Бироқ Президентнинг 22.05.2018 йилдаги ПФ-5445-сон Фармони 5-бандига мувофиқ, 1-илова ўз кучини йўқотди.

У лицензиялашнинг қуйидаги турларини ўз ичига олган:

- 1) архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- 2) баландликларда саноат альпинизми усуллари орқали таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш;
- 3) қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш;
- 4) кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш;
- 5) мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш;
- 6) хавфи юқори бўлган объектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда улардан фойдаланиш.

ПФ-5445-сон Фармоннинг 3-бандида белгиланганидек, унга иловада назарда тутилган қурилиш соҳасидаги айрим фаолият турларини лицензиялаш Қурилиш вазирлиги томонидан Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Илова лицензияланиши лозим бўлган қуйидаги фаолият турларини ўз ичига олган:

- 1) баландликларда саноат альпинизми усуллари орқали таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш;
- 2) кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш;
- 3) мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш;
- 4) хавфи юқори бўлган объектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда улардан фойдаланиш.

Шу тариқа, Қурилиш вазирлиги ПФ-5445-сон Фар-



монга иловага мувофиқ илгари берилган лицензияларни 2018 йил охиригача қайта расмийлаштиради.

2 Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат – ваколатли орган томонидан қабул қилинадиган ва тадбиркорлик субъектига бериладиган, тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳамда рухсатнома, келишув, хулоса шаклида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ифодаланадиган қарор («Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси).

Бугунги кунда амалда бўлган қонун ҳужжатларида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида илгари олинган рухсат бериш тусидаги ҳужжатларни қайта расмийлаштириш тўғрисида талаблар белгиланмаган.

Ташкилотдаги иш хусусияти ходимлар ўз ишининг устаси бўлиши ва топширилган вазифаларни бажара олишларини талаб этади. Адашмай, керакли одамларни танлаб олиш учун суҳбат ўтказишнинг ўзи камлик қилади, шу сабабли мутахассисларни синов муддати билан ишга қабул қилиш лозим.

Эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлган тақдирда ишдан бўшата олиш учун ишга қабул қилинган мутахассисга синов муддатини қандай белгилаш керак?

КБ инспектори.

Ишга лаёқатлиликини текшириб кўриш

– Саволга жавоб МКнинг 84–87-моддаларида тўлиқ акс этирилган. Иш берувчи билан ходим ўртасида синов муддатини белгилаш ва уни меҳнат шартномаси шартларига киритиш тўғрисида келишувга эришилганда тарафларнинг ҳар бири (нафақат иш берувчи) меҳнат мажбуриятлари амалда бажарилганда уларнинг меҳнат шартномасини тузиш тўғрисидаги қарорлари қанчалик тўғри бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш имконига эга бўлади. Синов муддатини белгилаш тақиқланган ҳолатлар бундан мустасно (МКнинг 84-моддаси 3-қисми). Синов муддати давомида улар нотўғри қарор қабул қилганлари маълум бўлса, қонунийлик уларнинг ҳар бирига меҳнат шартномасини бекор қилиш имконини беради. Бунинг учун манфаатдор тараф иккинчи тарафни меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида 3 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириш зарур. Огоҳлантириш муддати фақат тарафларнинг келишувига кўра қисқартирилиши мумкин. Ходим меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқаётган бўлса, у 3 кун давомида ўз аризасини қайтариб олишга ҳақлидир. Агар синов муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, унинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади (МКнинг 87-моддаси).

Ходим эгаллаб турган лавозимига нолойиқ бўлса, Меҳнат кодекси иш берувчига меҳнат шартномасини бекор қилиш имконини беради (МКнинг 100-моддаси 2-қисми 2-банди). Уни ушбу асосга кўра бекор қилиш учун иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни 2 ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириб ёки бунинг ўрнига унга пуллик компенсация тўлаб аттестация ўтказиши; унга бирмунча кам малака талаб этиладиган бошқа ишни таклиф этиши (корхонада шундай иш бўлса), шунингдек ходимлар вакиллик органининг розилигини олиши (башарти бу жамоа келишуви ёки шартномасида назарда тутилган бўлса) ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Амалиётда мутахассисларни тўғри танлаш, уларни бажарилмак ишга, жамоага мослашишга тайёрлаш ҳамда касб даражаси ва кўникмаларини баҳолаш учун корхонанинг штат жадвалида стажёр лавозимини назарда тутишни тавсия этамиз. Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторида (ВМнинг 4.10.2017 йилдаги 795-сон қарори билан тасдиқланган) бундай лавозим назарда тутилган. Корхонанинг локал ҳужжатида мақсадлар, корхонадаги стажёрларнинг вазифалари, уларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорини (лавозим масоҳлари) аниқ белгилаш шарт. Ёш мутахассисларни дастлаб корхонага муддатли меҳнат шартномаси бўйича – муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб стажёр лавозимига қабул қилган маъқул (МКнинг 75-моддаси). Унинг муддати ўтгач, мутахассисни стажировка утаган у ёки бу лавозимга қабул қилиш масаласи кўриб чиқилади.

Валерия Ляндрес,
кадрлар хизмати ходими.

Ёнғин чиқишдан сақланиш ҳақида йўл-йўриқ бериш – директорнинг иши

Ўз бизнесини очмоқчиман. Қарийб 30 нафар ходим ишлайдиган офисни ижарага олиш-ни режалаштираяпман.

Ижарага олинadиган офис ходимлари учун ёнғин хавфсизлиги бўйича машгулотларни ким (ёнгиндан ҳимоя қилувчи ҳудудий идора ёки ўқув маркази) ўтказиши керак? Ўқувчи.

– Ёнғин чиқишдан сақланиш ҳақида йўл-йўриқни раҳбар томонидан тайинланадиган ҳамда махсус билим ва кўникмаларга эга бўлган шахс бериши шарт.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг таркибий қисмидир. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар мансаб йўриқномаларида ва бошқа йўриқномаларда, зарур ҳолларда эса тегишли шартномаларда акс эттирилиши керак.

Ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, агар тегишли шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мазкур ташкилотларнинг раҳбарлари ва улар ваколат берган шахслар зиммасига юклатилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир вазифаларнинг ваколатли шахслар зиммасига юклатилиши раҳбарларнинг зиммасидан масъулиятни соқит қилмайди («Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси 1, 2-қисмлари).

Иш берувчи ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериши ҳамда уларнинг меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориши шарт.

Шунингдек у ходимларнинг меҳнатни муҳо-

фаза қилиш бўйича ўқишларини таъминлаш ва уларнинг билимларини текшириб туриши шарт. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқувдан, йўл-йўриқдан ўтмаган ва билимлари текширилмаган ходимларни ишга қўйиш тақиқланади (МКнинг 215-моддаси).

Раҳбарлар ва мутахассисларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билим даражасини ошириш учун бошқарув органлари ва корхоналарда давлат назорати органлари, Бандлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш республика илмий маркази мутахассисларини жалб этган ҳолда курслар, семинарлар, маърузалар, маслаҳатлар ташкил этилади (АВ томонидан 14.08.1996 йилда 272-сон билан рўйхатдан ўтказилган Намунавий низомининг 21-банди).

Иш берувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар қайта тайёрланишини ва уларнинг малакаси оширилишини таъминлашлари шарт («Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси 3-қисми; Низом, ВМнинг 27.04.2017 йилдаги 246-сон қарорига 3-қисми).

Маълумот учун: ёнғин хавфсизлигида доир умумий талаблар Одамлар гавжам бўладиган объектлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари (АВ томонидан 8.07.1997 йилда 354-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Ишлашга қарши тиббий кўрсатмалар бўлмаса

Корхонанинг барча ходимларига идоравий поликлиникада тиббий кўрикдан ўтиш мажбурияти юкланди. Кўрикдан ўтказиш натижаларига кўра уларни кўшимча ташхис қўйиладиган текширувлардан ўтиш учун турли пуллик тиббиёт муассасаларига йўллаб бошладилар. Мен қизил ва яшил рангларнинг айрим тусларини чалкаштиришимни аниқлашди, гарчи асосий рангларни кўрсам, шу жумладан қизил рангни ва яшил рангни ажратсам ҳам. Тиббий кўрик Низомга (АВ томонидан 29.08.2012 йилда 2387-сон билан рўйхатдан ўтказилган) қатъий мувофиқ равишда ўтказилган эмиш.

Яшил ва қизил рангларнинг тусларини чалкаштирувчи ходим дастурчи бўлиб ишлаши мумкинми?

О.Абдурахмонов, бош мутахассис.

– Ҳа, тиббий хулоса билан бошқа нарсаси белгиланмаган бўлса, ходим ишлашда давом этиши мумкин.

Ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиги ҳолатига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди (МКнинг 214-моддаси 4-қисми). Шу сабабли тиббий кўрик натижалари асосида мазкур касбда ишлашга чеклов белгиланган-белгиланмаганини аниқлаш лозим.

Чекловлар бўлмаса, ҳатто рангларнинг айрим тусларини чалкаштирсангиз ҳам, ишлашингизга рухсат бериш ёки сизни ишга қўймаслик масаласи иш берувчи билан биргаликда ҳал этилади. Бунда иш берувчи меҳнат шартномасида

шарт қилиб кўрсатилган ишни лозим даражада бажаришни ходимдан талаб қилишга ҳақли (МКнинг 17-моддаси).

Шу тариқа:

➢ рангни қабул қилишдаги нуқсон дастурчи бажаратгани ишга ва унинг натижаларига таъсир кўрсатмаса;

➢ бундай иш меҳнат мажбуриятларига, тузилган меҳнат шартномасига, иш берувчининг қонуний буйруқларига мувофиқ келса;

➢ тиббий кўрсатмалар бўйича бундай ишда ишлашга чекловлар бўлмаса – фикримизча, ходим дастурчи сифатида меҳнат фаолиятини амалга оширишга ҳақли.

Александр Лобанов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Иккундодий-ҳафтаси газетаси

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
уринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Сайдмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муножабат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида термичи ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 196. Қўлдан бичими – А3. Ҳаққо – 2 босма таъбиқ. Басма кўпиклиги нарҳда.
Бўғирма 349. Адади 825. Газета 2018 йил 13 август соат 17.15 да топширилди.